



Бир соҳада, бир корхонада кўп йилдаб меҳнат қилишнинг ҳам ўзгача ташти бўлади. Любовь Николевна шундай бахтли муассар бўлган аёллардан. У 1967 йилдан буён Ф. Хўжаев номидаги 1-пайоёзлаш ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. Корхонада фахрийлар ҳақида сўз борганда Любовь Михина биринчилар қаторида тилга олинади.
СУРАТДА: Любовь Михина. Ойша Қурбонова сурати.

Меҳнат жамоаларида МУАММОНИНГ САБАБЛАРИ

СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-цех механик қисмларини етиштиришга иштирокчилар. Жамоада баъзи бир деталларнинг етиштирилиши, аниқроғи бошқа қорхоналар томонидан ўз вақтида етиштирилиб берилмаётгани ва малакали ишчиларнинг камлиги туфайли бу ерда талайгина муаммолар юзага келмоқда. Биз ана шу муаммоларни кенгроқ ёритиш мақсадида ушбу цехнинг бир неча бўлимларида бўлиб, бўлим бошлиқлари билан сўзлашдик.

ЖАМОАНИНГ 1-БЎЛИМИда ҳар доимидек меҳнат авжюда. Ишчиларнинг жафоқаш қўллари ҳеч бир ортиқча ҳаракатсиз машина дастгоҳларини аниқлик билан бошқаришмоқда. Қудратли техниканинг кучли овози, ва уларнинг тинимсиз сирли ҳаракати заводга дастлабки келган кишини ҳам ҳайратга, ҳамда кўрқуга солади. Бу ерда биринчи марта бўлмаётганлигига қарамай, бизни ҳам ҳозир худди ана шу туйғу қамраб олди. Биз эҳтиёткорлик билан юриб шундоқ Ангинамида меҳнат қилаётган аёлларга йўналиш бердик:

— Кечирасиз, бизга бўлим бошлиғи керак эди.

— Николай Петрович Коблевми, ана у киши бўлади, — деб бўлимнинг наринги томонида кранга оғир детални осишда ишчиларга ёрдам бераётган баланд бўйли кишини кўрсатди.

— Мақташга арзигулик бошқа бўлимларни ёза қосанлар бўлишми, — деди Н. Коблев биз билан салом-алиқдан сўнг. — Бизда бўлса нуқул муаммо, муаммо! Аслида бизнинг бўлимимиз кўпик деталларни йиғишга иштирокчи бўлишимиз керак. Шунинг учун бизга баъзи қисмларни заводимизнинг 24-цехи етказиб туради. Негадир улар бизни кейинги вақтларда ана шу хом ашё билан таъминлаб беришмай қолди. Натижада дастгоҳ ва ишчиларимиз бекор туриб қолди. Албатта бу туриб қолдишлар ишчиларимиз ойлик маошига салбий таъсир кўра

борлиги туфайли ва бошқа ҳаётий заруратлар сабаб ишга чиқишмаган. Бугуннинг ўзида 6 киши ишга чиқмаган. Жонқур ишчиларимиздан бир қанчаси турли сабабларга кўра бошқа шахарларга кетиб қолди. Баъзилари эса шахаримиз ширкатларида ишлагани маълум топдилар. Ширкатда кунига 100 сўм атрофида пул топаётганда кейин оғир жисмоний меҳнат талаб қилаётган қорхонада улар ишлашмайди.

Биз баъзи сабабларга кўра бошқа бўлимларга ўта олмадик. Бироқ ана шу икки бўлимдаги муаммолардан ҳам биз бутун цех, қолаверса бутун қорхонадаги аҳолини яхши илғаб олдик ва бу ноҳор аҳолини изоҳлаб беришни цех бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича муовини В. Вереврусдан илтимос қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам деталлар ва малакали ишчи масаласи бизнинг жамоамизда катта муаммо бўлиб турибди. Айниқса ана шу йилнинг февраль ойидан бошлаб хом ашё етишмовчилиги анча кучайди. Шу ойда колонкалар бўйича цехимизга Владимир трактор заводидан керакли қисмлар юборилмади. Март ойидан бошлаб эса Павлодар трактор заводидан 47 ўқ етказиб берилмади. Ҳозирги вақтда эса Москвадаги 2-давлат подшпикер заводидан олиб келиниши, керак бўлган подшпикерларсиз ишлашми, Бугунги кунда бу қисмларнинг ўрнини қоплатиш мақсулотларимиз йўқ.

Ишчи кадрлар масаласи ҳам бизда катта муаммо бўлиб турибди. Цехимизда таъмирловчилар, электрчилар ва чилангарлар етишмаяпти. Бирлашмаимизнинг кадрлар бўлими бу масалани яқин кунлар ичида албатта ечиб беради деган умиддамиз.

Назулло ҲАМРОЕВ.

Қурилиш майдонларида АҲДЛАРИ ҚАТЪИЙ ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ

ЮНУСОБОД даҳасининг 3-мавзесида 91 оилага мўлжалланган тўққиз қаватли бино қурилмоқда. Бу ерда тиклаш ишларини 3-ўйсозлик комбинатидаги қарошли Алишер Мавлонхўжаев бошлиқ бригада аъзолари олиб боришяпти. Қисқа муддат ичида бинонинг ер ости қисми тикланиб ҳозирда уйнинг иккинчи қаватида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Бино «Ташипрогор» лойиҳасига кўра қурилмоқда. Бино яшовчилар учун ҳар томонлама қулайликларга эга бўлади.

Максуд ОРИПОВ.

ТАНЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН

ЖАМИЯТНИНГ қайта янгиланиши жараёнида ёшларга таълим беришнинг давр руҳига мос натор йўналишлари юзага келмоқда. Шаҳримизда янги очилган гимназия ҳам ёшлар савиясига мос келадиган қизиларни машғулотлари олиб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Пойтахтимиздаги 50-мактаб ҳузурида фаолият кўрсатаётган маъзур пулли ўқув даргоҳида санъатни эгаллашга қаратилган ўқув жараёнида нонг ўрин берилмоқда. Нотиқлик санъатини ўрганишга доир машғулотлар ҳам ўқув

дастуридан ўрин олди.

Электрон-хисоблаш машиналарини бошқаришни ўргатиш орқали ёшларда компьютер саводхонлигини ўстиришга эришилмоқда. Яқинда Американдан олиб келинган «ақл»ли машиналар ўқув лабораторияларига ўрнатилди.

Янги ўқув йилидан эътиборан киёмбиология йўналишида машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳозир янги қабул болланди. Иқтидорли ёшлар танлов йўли билан ўқишга қабул қилинади.

Ақбар АЛИЕВ.

МАҲСУЛОТЛАРИ МАНЗУР

ТОШКЕНТДАГИ «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари билан хорижий мамлакатларда ҳам яхши танилиб қолди. Харидорлар бу хил маҳсулотлардан қўнчилигига халқроқ улгурчи савдоси ярмаркаси орқали буюртмалар берилмоқда.

Шу сабабли қорхона ўтган йили уюштирилган бундай йирки савдо-сотиқ тадбирида фаол қатнашиб, талайгина савдо фирмалари билан яқин алоқа боғла

ган эди. Бу сафарги халқроқ ярмаркада намойиш этиш учун қўлаб янги хил маҳсулотлар тайёрлашга муваффақ бўлди.

Яқинда Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида уюштирилган «Интерторг-91» ярмаркасида бирлашма муваффақиятли қатнашди.

Саодат ОДИЛОВА.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси энчилар парваришини кучайтириш, ҳосил йиғини қончилиқ-сановат мақмулининг барча бўғинлари олдига турган вазифаларни муҳофиза қилди.
- «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Гвайтшкентстрой»дан ўз ходимлари учун 72 хонадонли турар жой биносини 5 миллион 800 минг сўмга сотиб олди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Совет космонавти А. Арцебарский билан С. Крикалев учинчи марта оқик космосга чиқдилар. Улар беш соғат 56 дақиқа давомида «Квант» модулига узунлиги 14 метрли ферманли монтаж қилиш учун асос бўладиган платформани ўрнатдилар.
- РСФСР вице-президенти, «Коммунистлар демократияси» учун ҳаракатининг ташаббускори А. В. Руцкий РСФСР халқ депутатларининг навабддан ташқари В сьезди қатнашчиларига Россия коммунистларининг демократик партиясини тўзиш юзасидан дъват қилди.
- Соци шаҳар ижроия комитети қабул қилган қарорга мувофиқ эндиликда ҳар қандай ширкат, кичик қорхона ёки фуқаро 10 минг сўмдан 20 минг сўмгача бож тўлаб, вино, арақ ва пиво билан савдо қилиши мумкин. Лекин бу ичкиликлар баҳоси давлат нарҳидан 40 фоиздан кўнға ошмаслиги шарт. Акс ҳолда беш минг сўм миқдориде жарима солинади. Бу таъриби 1992 йил 1 январьгача ўтказиб мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

- Саноати ривожланган етти етанчи капиталистик мамлакатлар раҳбарларининг Лондондаги расий учрашувида қабул қилинган сиёсий декларацияда Совет Иттифоқидаги туб илохотлар қўлла-қувватлашни таъиндлашди.
- Июрдан АКШ ҳамда кўп миллатли кучларнинг сўнги бўлимлари олиб чиқиб кетилди.



Қишлоқ—шаҳарга



Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши

ТОШКЕНТГА КЕЛГАН КАРВОНЛАР

ЯШИРИШГА не ҳожет, чиқдан ҳам бозорлардаги нарх-наво жуда баланд. Чайқочви ва олибсотиқлар бирини ўнға сотиб меҳнатнаш халққа анча жабр қилишяпти. Хўш, бунинг олдини олиш муминми?

— Ҳозир мева ва сабзавотларини йиғиштириб олиш илғини паллага кирди, — дейди Тошкент шаҳар деҳқончилиқ саноати бирлашмаси савдо бўлимининг бошлиғи А. А. Йўлдошев. — Шу бондан ҳам шаҳарга мева ва сабзавот карвонлари келмоқда. Уни республикамизнинг турли вилояти жўнатишди. Хар шанба ва яшанба кунин Тошкент вилоятининг барча 14 райони даля неъматларини тошкентликларга олиб келишмоқда. Шаҳарликлар ҳам бундай савдо ярмаркалари қарда бўлаётганлигини яхши биличади. Шунингдек, кўпгина жойларда ёзи павильонлар ҳам очилганлиги айни мўдда бўлмоқда.

Ўтган яшанба кунин шаҳаримиздаги кўпгина бозорлар гавжум бўлди. Юнусобод бозорига Тошкент ва Пенсент районлари жамоа хўжалиги меҳнатнашлари етиштирган маҳсулотлар келтирилди.

— Биз Тошкент районидеги Илчи номи, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги, Турғун Мирзаев номи жамоа хўжалиги, Галаба районидеги «Огонёк», Пенсент районидан Навоий номи, «Пенсент» хўжаликлари миришқорлари савдатини мамнунми, — дейди Киров район мева-сабзавот комбинатининг директори Абдувоҳид Юсупов. — Лекин бизнинг бир илтимосимиз бор: шартномаларга ҳамма масъулият билан ёндошса айни мўдда бўлади.

Бу ерда яна бир фактин

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетиде

16 июль кунин Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Табиат бойлиқларидан оқилона фойдаланиш ва атропо-муҳитини муҳофиза қилиш комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика Олий Кенгаши комитетларининг расилари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Котибиятининг, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходимлари, республика табиатини муҳофиза қилиш давлат комитетининг, адлия вазирининг раҳбарлари қатнашдилар.

«Табиатни муҳофиза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси муҳофиза қилинди. Депутатларнинг мулоҳазалари, таклифлари, қўшимчалари ва исхотлари етиборга олиниб, Қонун лойиҳаси маъқулланди.

Комитетнинг мажлисида Сурхондарё вилояти Сарисоёи районидеги экология вазиетининг ҳолати тўғрисида ахборот ҳам тинланди.

Муҳофиза этилган масалалар юзасидан комитетнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

АРЗОНГА ТУШАДИ

БОЗОР иқтисодиёти шароитида темирдан исалган кенг истеъмол буюмлари ҳамда қозоннинг тақчиллиги ҳаммамизга авн. Бу борада шахарнинг Киров району мақтаб ўқувчилари шундай зарур хом ашёларни тўлашда фаолият кўрсатмоқдалар. Ўтган ўқув йилида району миетабларининг ўқувчилари томондан 300 тоннадан ортиқ темир-терас, 100 тон

надан ортиқ қозон парчаларини тўлаб берилган эди. Маълум бўлишича, макултурдан олинган қозон ва картоннинг танархи ёғоч ва целлюлозадан олинганга қараганда икки баробар арзонга тушаркан. Агар бир синф ўқувчилари 60 килограмм қозон чиқиндисини тўласа жуда савобли иш қилган бўлади.

Йиғилган темир парчаларини аса бугунги кунда етиштиришга таа ил сўз қуруларидан минг-миң километрлар бунёд этиш мумкин. Янги ўқув йилида район ўқувчилари янада кўпроқ иқтисодиётимиз учун жуда зарур бўлган хом ашё тўлашни режалаштирганлар.

Абдулла СОВИРОВ.

МАРОҚЛИ ЭРТАЛИК

3-ЎПСОЗЛИК комбинатида ишловчи 360 нафар қурувчининг ўғил-қизларини ўз бағрига олган 441-болалар боғчаси ҳовлисига кирсангиз, ўзингизни ортақлар шаҳарчасида юргандек ҳис қиласиз. Беш гектардан ошқир ерда ҳар хил дархатлар, турли кўринишдаги ўйчалар атрофда ўзгача гўзаллик бахш этиб болалар ҳаётни уйғунлашган.

Кунин-кеча бу масканда «Хайр боғча, салом мактаб» эрталлиги бўлиб ўтди. Бу эрталликда музика раҳбари, тарбиячилар яхши тайёрлаш қўнчилиги, Байрамга ота-оналар оталиқ ташкилоти, 133, 233-мантаблар болалар синф ўқитувчилари келишди. Шу кунин элликдан ортиқ иккинчиғой мактабга узатилади. Ота-она, Ватаи, тарбиячи, кўнот, боғча ҳидидаги шеърлар ўқилди. Болаларга эсдаллик совғалари топширилди.

Савдулла СУЛТОНОВ.

